

**СЕВИМЛИ БОЛАЖОНИМ
УЧУН ЭРТАКЛАР**

ҲИЙЛАГАР БЕДАНА



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

**ТОШКЕНТ
2015**

УЎК: 373.31-053.5

КБК: 82.3(2)

С – 38

Севимли болажоним учун эртақлар: Ҳийлагар бедана.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 80 б.

ISBN 978-9943-27-152-4

Ушбу китоб «Севимли болажоним учун эртақлар» рукнидаги серияли китобларимизнинг бири бўлиб, ўзбек халқ эртақларининг энг машҳурлари танлаб олинди. Халқимизнинг оғиздан-оғизга кўчиб келаётган миллий анъаналари-ю бой маданий мероси, инсоний фазилатлар ва нуқсонларнинг оқибати акс эттирилган ушбу эртақлар тўғрилиқнинг фазилати, эгриликнинг оқибати, яхшиликнинг қудрати-ю ёмонликнинг касридан тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

Ушбу тўплам севимли болажонларимизни эртақларнинг сеҳрли оламига етаклаб, самимий туйғуларга ошно қилади, деган умиддамиз.

УЎК: 373.31-053.5

КБК: 82.3(2)

ISBN 978-9943-27-152-4

© Севимли болажоним учун эртақлар: «Ҳийлагар бедана». «Янги аср авлоди», 2015.



ДОНИШМАНД ЧЎПОН

Ўтган замонларда бир подшо бор экан. Подшо отларни жуда яхши кўрар эди.

Кунлардан бир куни подшо отхонага бориб қараса, отлари анча ориқлаган. Подшо дарҳол отбоқарни чақириб: «Нима учун отлар ориқлаган?» деб сўрабди. Отбоқар подшонинг газабидан қўрқиб: «Шоҳим, отларингиз бир неча кундан буён овқат емасдан, зўр бериб кишнайдилар. Мен ўйлайманки, шу шаҳардан нарироқда ўзга отлар бўлса керак. Шу отларнинг овозидан отларингиз овқат емай қўйган бўлса керак», дебди.

Подшо ўнг қўл вазирини ўз ёнига чорлаб: «Эй, доно вазир, навкарларинг билан чиқиб,

шаҳар ташқарисидаги ўзга отларнинг овозини чиқармайдиган қил, токи улар кишнаб, менинг отларимнинг тинчлигини бузмасин», дебди.

Вазир ёнига навкарларини олиб, ўзга отларни қидириб топиш учун шаҳардан чиқиб кетди. Юриб-юриб, шаҳардан 20 – 30 чақирим нарида бўлган бир тоққа етибди ва тоққа чиқиб кўришса, бир чўпон бир қанча йилқини ўтлоққа қўйиб юбориб, ўзи катта харсанг тошнинг устида баҳузур чўзилиб ётибди.

Вазир шитоб билан, от ўйнатиб чўпоннинг олдига етиб бориб, бақира бошлабди:

– Эй, аҳмоқ чўпон, йилқиларингни ўтлоққа қўйиб юбориб, унинг устига уларнинг кишнашига маст бўлиб, бу ерда баҳузур чўзилиб ётишингни қара. Шаҳарда бўлса отларингнинг кишнаган овозини эшитиб, подшонинг арғумоқ отлари озиқ емасдан, озиб кетаётибди. Мен сенга буюраман, отларингнинг оғзини бойлаб қўй. Агарда буйруғимни бажаришдан бўйин товласанг, ўзингни жаллодга топшираман.

Чўпон вазирнинг айтганларини бажаришга мажбур бўлибди. Йилқиларнинг оғзини латталар билан бойлаб, ўзи қандай қилиб отларини бу фалокатдан қутқозиш йўлини ўйлай бошлабди.

Охири чўпон бир қарорга келиб, яйловда юрган катта туя ва соқоли икки қарич келадиган такани ушлаб келибди. Отасидан қолган эски камон, ўқлар бор экан, уларни ҳам олиб, шаҳарга қараб равона бўлибди.

Шаҳар қалъасидан ичкарига кириб, катта расталарда ноғора чалиб ўтирганларга қараб камонидан ўқ отиб, ноғораларни ёра бошлабди.

Шаҳар халқи чўпоннинг бу ишидан ташвишга тушиб, подшо ўрдасига бориб, чўпоннинг устидан арз қилишибди. Подшо уларнинг сўзини эшитиб, ёнида ўтирган вазирига буюрибди:

– Тезда бориб шаҳар ноғораларини ёраётган чўпонни ушлаб, менинг олдимга келтир.

Вазир ёнига навкарларини олиб, шаҳар бозорига қараб кетибди. Бориб кўрса, ҳақиқатан ҳам туяга минган, олдига соқоли узун такани ўнгариб олган бир чўпон, қўлидаги камони билан ҳадеб дуч келган ноғорани ёраётган экан.

Вазир навкарларга қараб:

– Ушланглар уни, – деб буюрди.

Навкарлар бориб, чўпонни туядан тушириб, қўлини орқасига боғлаб, туя билан такасини ҳам етаклаб, подшо ҳузурига олиб келишибди.

Подшо чўпондан:

– Сен кимсан? Нима учун шаҳар ноғораларини ёраяпсан? – деб сўрабди.

Чўпон жавоб берибди:

– Мен шаҳарнинг ташқарисидаги тоғ халқидан келган элчиман.

Подшо чўпоннинг элчилигига ишонмай, унинг устидаги эски чопонига ва оёғидаги йиртиқ чорифига қараб дебди:

– Сендан бошқа тузукроқ одам қуриб қолган-миди элчилик қилишга!

Чўпон ҳайрон бўлиб, подшодан сўрабди:

– Сизга қанақанги тузукроқ одам керак? Мен ҳам оёқ-қўлли одамман-ку!

Подшо газабланиб:

– Мен сендан кийими янгироқ, бўйи баланд, соқоли узунроқ одам йўқмиди, деб сўраяпман, – деди.

Чўпон жавоб берди:

– Агар сизга бўйи баландроқ ва кийими янгироқ керак бўлса, мана, менинг туям: яқинда туллаган, кийими янги, бўйи баланд. Агарда сизга соқоли узунроғи керак бўлса, мана такам: соқоли нақ икки қарич келади. Агар сизга ақллироқ одам керак бўлса, мана мен ўзим, ҳар қанча саволингиз бўлса бераверинг.

Подшо чўпоннинг маъноли жавобларидан таъсирланиб, ўйланиб қолибди ва чўпондан сўрабди:

– Хўп бўлмаса, сен элчи экансан, нима учун шаҳар ноғораларини ёраяпсан?

– Сабаби бу ноғорачилар чалган ноғораларининг овозига бизнинг яйловдаги йилқилар ҳуркиб, ҳеч бир жойда тек турмай қўйдилар. Ноғорачиларнинг овозини ўчирсам, зора йилқилар тек турсалар, деб ўйладим, – дебди чўпон.

Подшо чўпоннинг жавобидан кулибди:

– Шаҳардан 20–30 чақирим узоқда бўлган отлар, шаҳардаги ноғоранинг овозидан ҳуркиши бўлмаган гап, – дебди.

Чўпонга айнан шу жавоб керак экан:

– Унда шаҳардан 20–30 чақирим нарида бўлган отларнинг овозини эшитиб, шаҳар ичидаги отлар овқат емасдан ориқлаши бўладиган гапми?

Шунда подшо шаҳар ташқарисида бўлган отларнинг овозини ўчир, деб вазирига берган буйруғини эслаб, хижолат бўлибди. Ҳамда бу донишманд чўпонга сўз билан бас кела олмаслигини билиб, унга қараб:

– Тилла тилагингни, – дебди.

Чўпон:

– Агар малол келмаса, менга шу шаҳардан беш ҳўкиз терисидек ер берсангиз, – деди.

Подшо чўпоннинг бу талабини назарга илмасдан муншийсига қараб деди:

– Чўлпоннинг номига васиқа қилиб бер, мен унга шаҳримдан беш ҳўкизнинг терисича ерни инъом қилдим.

Мунший васиқани тайёрлаб, подшодан муҳр бостириб чўпонга топширибди. Чўпон васиқани олиб, ўз жойига қайтибди.

Чўпон уйига бориб, ўзига ўхшаган уч-тўртта камбағал чўпонни йиғиб, уларга бўлган воқеани батафсил айтиб берибди. Кейин:

– Энди мен бир иш қилайки, номим дунёда қолсин, – деди.

Чўпонлар ундан:

– Қандай иш қилмоқчисан? – деб сўрашибди.

Чўпон уларга:

– Энди ҳаммамиз бир бўлиб, бешта ҳўкиз топишимиз керак. Кейин мен сизларга қилдиган ишимни айтиб бераман, – дебди.

Чўпонлар ҳам унинг сўзига рози бўлишиб, биттадан ҳўкиз олиб келибдилар, чўпоннинг ўзи ҳам битта ҳўкиз топибди. Ҳаммаси бўлиб бешта ҳўкиз йиғилибди, бешовини ҳам сўйиб, териларини шилиб олиб, каноп ип йўфонлигида

тасма қилиб қирқа бошлабдилар. Тасмалар тайёр бўлгандан кейин, уларни ва бир қанча қозиқчаларни олиб, шаҳар қалъасига етиб боришибди ва қалъани айлантириб қозиқларни қоқиб, уларга тасмаларни боғлаб чиқишди. Беш ҳўкизнинг терисидан бўлган тасмалар шаҳарни айлантириб чиқишга етибди.

Чўпон бу ишларни битириб бўлгандан кейин, подшо берган васиқани қўлига олиб, тўғри подшонинг ўрдасига борибди. Подшога таъзим қилиб:

– Эй улуғ подшо, ўз фармонингиздан қайтмайсизми? – деб сўрабди.

– Агар муҳрим босилган бўлса, албатта, қайтмайман, – дебди подшо.

Чўпон қўлидаги васиқани подшога кўрсатиб:

– Бўлмаса, мана шу васиқага биноан, бу шаҳар бутун халқи, ери ва хазина-ю дафиналари билан менга ўтди, – дебди.

Подшо ҳайрон бўлиб:

– Жинни-пинни бўлдингми, қайси асосга биноан бу сўзларни айтяпсан, – дебди.

Чўпон жавоб бериб:

– Менинг асосларимни ўз кўзингиз билан кўришни истасангиз, юринг мен билан шаҳар ташқарисига чиқамиз, – дебди.

Подшо чўпоннинг сўзини қабул қилиб, бутун амалдорлари, вазирлари билан шаҳар қалъасининг ташқарисига чиқиб қарашса, шаҳар қалъаси бўйлаб ҳар ерга қозиқлар қоқилган ва у қозиқларга тери тасмалар тортилган.

Подшо ҳеч нарсани фаҳлмамай, чўпондан:

– Қани асосинг, кўрсат, – дебди.

Чўпон подшони бошлаб, бутун шаҳар қалъа-сини айлантира бошлабди ва ҳамма ерда қоқилган қозиқларга бойланган тери тасмаларни кўрсатибди. Шу аҳволда шаҳарни тамом айланиб чиққанларидан кейин, чўпон ўртоқларига ҳамма тери тасмаларни йиғиштириб чиқишни буюрибди. Тери тасмалар йиғиштириб бўлгандан кейин, ҳар ҳўкиз терисини бошқа-бошқа қилиб ажратиб, териларни қайтадан бутунлаб, аввалги ҳолига келтириб подшога кўрсатибди:

– Мана, атиги беш ҳўкизнинг териси, ҳалиги шаҳарни айлантириб ўраб чиққан тери тасмалар шулардан эди, беш терилик жой беринг, дедим, бердингиз. Мана васиқа, мана асос, – дебди.

Подшо, донишманд чўпоннинг ақлига қойил қолиб, ўзи берган васиқани қайтариб олишга амалдорлар олдида юзи чидамай, чўпонга қараб ноилож:

– Бор, шу шаҳарни сенга бердим, – деб ўзи ёлғиз ҳайё-ҳув, деб чўлга чиқиб кетибди.

Вазирлар дарров ўша ердаёқ чўпоннинг бошига тож кийгизиб, уни оқ наMATга солиб шоҳ қилиб кўтариб, карнай-сурнайлар чалдириб, чўпонни подшо ўрдасига олиб жўнабдилар.

Шундай қилиб чўпон ўзининг донишмандлиги билан шаҳарга подшо бўлибди ва унга ёрдамлашган тўрт чўпонни ярамас золим амалдорларнинг ўрнига амалдор қилиб ва бегуноҳ зиндонда ётган камбағалларни озод қилиб, ўзи одиллик билан юрт сўраб, бир неча йил умр ўтказиб, бола-чақа кўриб, мурод-мақсадларига етишибди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/1613> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/1613> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/1613>